



COURSE: CORPORATE GOVERNANCE
**LECTURE 2. DEVELOPMENT EVOLUTION OF JOINT-STOCK
COMPANIES AND CORPORATE GOVERNANCE**

HOME WORK WITH ANSWERS
XUSAINOV SH. PhD

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ - ФАНИ
**2 – МАВЗУ. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ВА КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВНИНГ РИВОЖЛАНИШ ЭВОЛЮЦИЯСИ**

УЙ ВАЗИФАСИ ЖАВОБЛАРИ БИЛАН
ХУСАИНОВ Ш., и.ф.н., доцент
САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИНГИЗ КЕРАК:

1. Акциядорлик жамиятлари қандай мақсадлар учун вужудга келган?

Жавоб: Акциядорлик жамиятлари асосан йирик капитал талаб этувчи лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида вужудга келган. Илгари мавжуд бўлган масъулияти чекланган жамиятлар ёки ўртоқлик жамиятлари катта миқдордаги молиявий ресурсларни жалб қила олмагани сабабли, савдо ва ишлаб чиқариш фаолияти кенг миқёсда ривожлана олмаган. Бу ҳолат катта миқдордаги инвестицияларни жалб қилиш учун янги бизнес шаклининг зарурлигини кўрсатди. Акциядорлик жамиятлари ана шундай эҳтиёжлар асосида ташкил этилди ва улар йирик сармоялар талаб қиладиган корхоналар, банклар ва колонияларни ўзлаштириш лойиҳалари учун асосий восита сифатида фаолият юритди. Бундай бизнес шаклида акциядорлар ўз маблағларини киритиб, ширкатдаги улушларига мутаносиб равишда фойда олиш имконига эга бўлдилар. Шунингдек, жамиятларнинг капиталини эркин акциялар муомаласи орқали ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш имкони пайдо бўлди.

2. Илк акциядорлик жамияти сифатида қайси ташкилот танилган ва унинг тарихи қандай?

Жавоб: Илк акциядорлик жамияти сифатида XV асрда ташкил этилган Генуя банки танилган. Генуя банки ўз фаолияти давомида акциядорлик жамиятларининг муҳим ҳуқуқий ва ташкилий асосларини ишлаб чиққан. Масалан, иштирокчиларнинг умумий йиғилиши олий бошқарув органи сифатида фаолият юритган. Бу эса акциядорлик жамиятларини бошқариш ва назорат қилиш тизимини йўлга қўйишда муҳим омил бўлган. Кейинчалик бу принциплар акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий асосларини белгилашда намуна бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, XVI асрда Голландия ва Англияда ташкил этилган колониал компаниялар ҳам



акциядорлик жамиятининг илк намунаси ҳисобланади. Ушбу компаниялар янги бозорлар ва ҳудудларни ўзлаштириш учун катта капитал талаб қилган ва ҳукумат кўмаги билан хусусий капиталларни жалб қилган ҳолда катта муваффақиятларга эришган. Ост-Индия ва Вест-Индия компаниялари каби йирик колониал компаниялар нафақат Европа давлатларининг иқтисодий ривожланишига, балки дунё иқтисодиётига ҳам улкан таъсир кўрсатган.

3. Акциядорлик жамиятларининг афзалликлари нималардан иборат ва улар жамият учун қандай аҳамият касб этади?

Жавоб. Акциядорлик жамиятларининг асосий афзалликларидан бири – бу катта миқдордаги капитални жалб қилиш имкониятидир. Бу ҳолат йирик инвестицияларни талаб қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш, саноат ва молия соҳаларини кенг миқёсда ривожлантириш имконини беради. Шунингдек, акциядорлар шахсий мулки билан эмас, балки киритган сармоялари билан чекланган жавобгарликка эга бўлгани сабабли, уларнинг шахсий мулклари компаниянинг молиявий хатарларидан ҳимоя қилинади. Бу эса янги сармоядорларнинг жалб этилишига имкон яратади. Акциядорлар компания бошқарувида фаол иштирок этмасликлари ҳам мумкин, лекин улар умумий йиғилишларда овоз бериш, директорлар кенгашини сайлаш ва фойдани тақсимлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари акцияларнинг эркин муомаласини таъминлаши орқали уларни бошқа шахсларга ўтказиш ёки сотиш имконини ҳам беради. Бу эса компаниянинг капиталини тезда ошириш, ўзгаришларга мослашиш ва молиявий ресурсларни самарали бошқариш имконини яратади. Айни вақтда акциядорлик жамиятлари иқтисодиётда муҳим роль ўйнаб, аҳолининг бандлигини таъминлаш, давлат бюджетига солиқ тушумларини ошириш ва экспорт ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади.

4. Акциядорлик жамиятларининг капитални жалб қилишда қандай афзалликлари мавжуд?

Жавоб: Акциядорлик жамиятлари акциялар чиқариш орқали катта миқдорда капитал жалб қилиш имкониятига эгадир. Бу кенг кўламли бизнес фаолиятини юритиш, йирик лойиҳаларни амалга ошириш ва янги бозорларга чиқишда катта имконият яратади. Бундан ташқари, акциядорлар сони ёки жалб қилинган капитал миқдорига нисбатан чекловлар мавжуд эмас, бу эса компанияга тезда кенгайиш ва янги сармоядорларни жалб қилиш имконини беради. Капитал жалб қилишнинг бундай шакли компаниянинг молиявий барқарорлигини таъминлаб, унинг янги технология ва инновацияларни жорий қилишини ҳам енгиллаштиради.

5. Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботларнинг шаффофлиги қандай афзалликлар ва камчиликларга эга?



Жавоб: Акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисоботлари очик бўлиб, бу инвесторлар ва акциядорлар учун ишончлиликини оширади ва компанияни мониторинг қилиш имконини яратади. Молиявий шаффофлик жамиятнинг потенциал сармоядорлар учун жозибадорлигини оширади ва унинг молиявий барқарорлигини тасдиқлайди. Лекин, молиявий ҳисоботларнинг очиклиги айрим камчиликларга ҳам эга: бу маълумотлар рақобатчилар учун очик бўлиши мумкин ва бу ҳолат компаниянинг бозордаги рақобатбардошлигига салбий таъсир этиши мумкин. Рақобатчилар компаниянинг молиявий ҳолати, харажатлари ва даромадларини таҳлил қилиб, ўз фаолиятларини мослаштиришлари ва бу орқали бозорда устунликка эришишлари мумкин.

6. Акциядорлик жамиятларида молкчилик ва бошқарувнинг ажралиши қандай муаммоларга олиб келиши мумкин?

Жавоб: Акциядорлик жамиятларида молкчилик ва бошқарувнинг ажралиши ёлланма менежерлар томонидан компания бошқарувининг амалга оширилишига олиб келади. Бу ҳолатда менежерлар ўз манфаатларини акциядорлар манфаатларидан устун қўйиши мумкин. Масалан, менежерлар ўзларининг қисқа муддатли мақсадларини амалга ошириш учун компания ресурсларидан самарасиз фойдаланиши ёки юқори маош ва бонуслар белгилаш орқали шахсий фойдасини оширишга интилиши мумкин. Бунда акциядорлар манфаатлари етарлича ҳимоя қилинмайди ва бу компаниянинг умумий ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Менежментнинг акциядорлардан алоҳида қарорлар қабул қилиши ва уларни жамият фаолияти ҳақида тўлиқ хабардор қилмаслиги ҳам ушбу муаммони янада чуқурлаштиради.

7. Акциядорлик жамиятлари қандай шаклда ва қандай йўллар орқали ташкил этилиши мумкин?

Жавоб: Акциядорлик жамиятлари юридик шахс шаклида ташкил этиладиган тижорат ташкилоти ҳисобланади. АЖ ташкил этишнинг бир неча йўли мавжуд: таъсис этиш (муассисларнинг қарори билан), қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бўлиш, ажратиб чиқариш) ёки бошқа юридик шахсни акциядорлик жамиятига ўзгартириш орқали амалга оширилади. Таъсис шартномасида жамиятни ташкил этиш тартиби, устав капитали миқдори, акцияларнинг турлари, муассисларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланади. Агар жамият бир муассис томонидан ташкил этилса, таъсис қарори мазкур муассиснинг ўзи томонидан қабул қилинади.

8. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари устав капиталига қўйилган минимал талаблар қандай ўзгаришларга учраган?

Жавоб: Ўзбекистонда 2003 йилда акциядорлик жамиятлари устав капитали учун минимал миқдор 50 минг АҚШ доллари этиб белгиланган эди. 2008 йилда ушбу миқдор 400 минг АҚШ долларигача оширилган. Кейинчалик 2018 йилда устав капитали учун минимал миқдор 400 миллион



сўм қилиб белгиланган. Бироқ, 2019 йилда устав капитали учун минимал талаб умуман бекор қилинди. Бу ўзгаришлар мамлакатда акциядорлик жамиятларини ташкил этишни енгиллаштириш ва сармоядорларни жалб қилиш мақсадида амалга оширилган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Cost Accounting: A Managerial Emphasis / Horngren T. Ch., Datar S.M., Rajan M.V. / Published by Pearson, 2015
2. Managerial Accounting. 17th Edition / Ray H. Garrison, Eric W. Noreen, Peter C. Brewer / Published by McGraw-Hill Education, 2021
3. Management accounting Information for Decision-Making and Strategy Execution. 6th Edition Anthony A. Atkinson, Robert S. Kaplan, Ella Mae Matsumura. Madison S. Mark Young / Published by Pearson, 2012
4. Boshqaruv hisobi / Pardayev A., Pardayev B. / T.: G'.G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi., 2019
5. Boshqaruv hisobi /Israilov R.I., Maxsudov B.Yu.. / T.: «Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi», 2020